O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 13 август, № 158 (5073) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АНДИЖОН ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Баркамол авлодни тарбиялаш, қобилиятли ёшларни спортга фаол жалб этиш, миллий футболимизни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш футболчиларни танлаб олиш ва уларда профессионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўникмаларни чуқур ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, улардан футбол бўйича мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захирани шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Футбол федерациясининг Андижон шаҳрида "Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш" масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуаси негизида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат қобилиятли ёш футболчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи, мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларининг таълим олиши яқин атрофдаги умумтаълим мактабида умумтаълим дастури бўйича амалга оширилади;

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг умумий контингенти 120 нафар ўқувчини ташкил этади, улар томонидан тўрт йиллик бошланғич таълим якунлангач ҳар йили танлов асосида 24 нафар қобилиятли ўқувчилар қабул қилинади;

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқиш муддати 5 йилни ташкил этади, ўқиш якунланганидан сўнг уларга тегишли сертификат берилади ва аввалambор олимпия захираси коллежларида кейинги махсус, касб-ҳунар таълими берилиши таъминланади.

3. Қуйидагилар Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур ҳолларда футбол бўйича хорижий мураббийлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда футбол соҳасида энг янги илмий-методик тавсиялар асосида ёш футболчиларни тайёрлаш борасида ўқув-машқ жараёнларини юқори даражада ташкил этиш;

ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, замонавий футболни ривожлантириш халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон ёшлар (ўсмирлар) терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Халқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат тренерлари малакасини тизимли асосда оширишни таъминлаш;

ўқувчи-футболчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун хорижий футбол мактаблари, академиялари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

4. Белгилансинки, Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатини молиялаш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Футбол федерацияси маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Андижон вилояти ҳокимлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда "Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш" масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуасининг ер майдони, бино ва иншоотлари, бошқа мол-мулки белгиланган тартибда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат балансига бепул берилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини яшаш учун анжомлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва формаси билан таъминлаш нормативларини;

зарур бўлган ўқув-машқ, спорт ва хўжалик ускуналари, анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун бошқа мол-мулклар рўйхатини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг устави, мактабнинг тузилмаси, ўқувчиларни танлаб олиш тартиби белгиланган тартибда тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

2010 — 2011 ўқув йили бошлангунга қадар — ёш футболчиларни тайёрлашнинг илғор халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган ўқувчилар тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг юқори малакали мутахассислар билан бутланишини, зарур ўқув-методик адабиётлар танлаб олинган ҳолда ўқув хоналари жиҳозланишини;

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини тайёрлаш сифати устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини, заурат бўлганда уларни тайёрлаш жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Футбол федерацияси:

футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатга тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда кўмак берсин;

2010 — 2011 ўқув йили бошлангунга қадар ўз маблағлари ҳамда ҳомийларнинг жалб этиладиган маблағлари ҳисобидан футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатни белгиланган тартибда зарур ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулк билан жиҳозланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йилнинг IV чорагида Халқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат тренерларининг малакасини ошириш курслари ташкил этилишини, шунингдек, Федерациянинг кадр ва илмий-методик салоҳияти футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқув-машқ жараёнига жалб этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин, 2011 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларга таълим учун ажратиладиган маблағлар доирасида зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2010 — 2015 йилларда Андижон вилояти тураржой массивлари учун коммунал инфратузилмани илдам ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2010 йил 18 июндаги ПҚ-1355-сон қарорининг 9-банди, шунингдек, қарорга 1-илованинг I бўлими 15-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 12 август

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН




*Мустақиллик, муқаддас ҳурриятимиз қудрати жонажон Ўзбекистонимизни, жумладан, Хоразм воҳасини ҳам тараққиётнинг янги ва юксак довонларига олиб чиқди. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда татбиқ этилаётган ислоҳотлар, буюк тарихимиз, бекиёс маънавий меросимиз тиклангани ана шундай юксалишларга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.*



### Хоразм:

# ГЎЗАЛ ДИЁРИМИЗ ГАВҲАРИ

Юртбошимизнинг "Хоразмнинг яна бир улуғ ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаётган оққўнгил, бағрикенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмни Хоразм қилиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, довруғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, сабот-матонатидир", деган сўзлари Хоразм аҳлини эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга, улкан ишларни амалга оширишга рағбатлантирмоқда. Истиқлол йилларида гўзал диёримизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Хоразм воҳасида ҳам халқимизнинг улкан яратувчилик куч-қудрати, мислсиз бунёдкорлик салоҳияти яққол кўзга ташлангани фикримиз исботидир.

Урганчдан то Хивага қадар 34 километрлик троллейбус йўлини ёки Амударё устига қурилган, бугун муқаддас Ватанимизнинг юксак тараққиётига қўйилган улуғвор обидадек кўр тўкиб турган Ҳазорасдаги улкан иншоот — темир йўл ва автомобиль кўпригини олайлик. Улар халқимизнинг нималарга қодирлигини яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз ташаббуси билан Урганч — Беруний йўналишида Амударё устига яна бир янги, узунлиги 635 метрлик автомобиль кўприги қурилиши давом эттирилаётгани эса қалбларимизни ифтихорга тўлдиради. Ушбу кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилгач, кунига 10 мингдан ортиқ автомобилга хизмат кўрсатади, кишиларнинг узоғини яқин қилади. Шунингдек, ушбу иншоот вилоят иқтисодиётини янада равнақ топтиришда, воҳада туризм ва тадбиркорликнинг қанот ёйишида муҳим омил бўлади.

### Озод юртнинг обод манзиллари

Вилоятда иқтисодиёт соҳасида истиқлол йилларида бошланган кенг қамровли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда ва кун сайин янгидан-янги самаралар бермоқда. Бугун Хоразмда ўнлаб саноат корхоналари, минглаб тадбиркорлик субъектлари замонавий технологиялар асосида ишлаб, экспортбоп маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқмоқда. Вилоятда ўтган йили 17,6 миллиард сўмлик инвестиция эвазига 458 та кичик саноат корхонаси ташкил этилган бўлса, 2010 йилнинг атиги ўтган олти ойи мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи бир қатор замонавий корхона ишга туширилди. Умуман, саноат салоҳиятини ошириш дастури бўйича вилоятда 252 та лойиҳа амалга оширилиб, 21,2 миллиард сўмлик ва 5,5 миллион АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 2 минг 600 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, "Мега Сфера" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида Италия технологияси асосида замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Гиламчи Карпет" қўшма корхонасида гилам маҳсулотлари, "Самхозшифер" масъулияти чекланган жамиятида эса қурилишбоп шифер ишлаб чиқариш бошланди.

Вилоятда ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, халқаро стандартларга мос, барча ҳудудларни ўзаро ишончли боғлайдиган минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган автомагистраль ҳамда ички йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили вилоятда фақат ана шу мақсадларнинг ўзига 5,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бугун вилоят маркази Урганчнинг шоҳкўчалари, аксарият корхона ва ташкилотлар, муассасалар теварак-атрофларини ранго-ранг гуллар, арчалар ҳамда турли дарахтлар безаб турибди. Яшнаб турган бу яшилликлар кўзни қувонтиради, киши руҳиятини чароғон этади. Гўзалликка меҳр, шаҳарни гулларга, дов-дарахтларга буркаш истаги урганчликлар қалбида мустақиллик эпкинлари билан бирга қанот ёйди, чинакам эҳтиёжга айланди.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳаси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бу соҳада махсус қонун қабул қилиниши ўсиб келаётган авлод ўртасида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янги даражага кўтариш имконини беради. Бундай қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бугунги кунда мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор берилаётганлигини яна бир бор исботлайди. Мазкур қонун лойиҳасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимидаги органлар ва муассасалар кўрсатилган, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишлари, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳамда оилалар билан олиб бориладиган якка тартибдаги профилактика ишларининг асослари ва уни ташкил этиш тартиби, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш тартиби, бошқа нормалар белгиланган.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Чунончи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалаларини аниқ тартибга солиш, болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ота-оналар ва васийлик органларининг ўсиб келаётган авлод учун жавобгарлигини ошириш жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари бундай қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ёш, мустақил давлатимиз болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, бу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этишга содиқлигининг яна бир ишончли далили эканлигини таъкидладилар. Бундай муҳим ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистонда Баркамол авлод йилида қабул қилинаётганлиги ҳам чуқур рамзий маънога эга.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари ўсиб келаётган авлодни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқлаш ишига кенг жалб этишнинг, болаларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни ва

(Давоми 2-бетда).

***"Навоий" халқаро аэропортида янги юк терминали фойдаланишга топширилди. Бу "Korean Air" авиакомпанияси иштирокида Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро интермодал логистика маркази ташкил этиш инвестицион лойиҳасининг навбатдаги босқичидир.***

### «Навоий» халқаро аэропорти:

# ЮК ТЕРМИНАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 25 февралдаги Корея Республикасига ташрифидан сўнг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда "Korean Air" авиакомпаниялари ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши соҳада янги бозорларни ўзлаштириш, шу билан бирга, мамлакатимизда логистика инфратузилмасини янада ривожлантиришда кенг истиқболларни очди. Хусусан, меморандумда "Навоий" аэропорти негизида халқаро логистика марказини ташкил этиш назарда тутилган эди.

Бугунги кунда "Навоий" халқаро аэропорти кеча-кундуз фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда бир кунда 10 та "Боинг — 747" русумидаги катта юк ташиш лайнерларига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, аэропорт самодаги ҳаракатни бошқаришда кенг қўлланиладиган замонавий технологиялар мажмуаси билан жиҳозланган.

(Давоми 3-бетда).

# ЛИЗИНГ – МИНТАҚАЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" маърузасида "парламентимиз ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир", деб таъкидланди.***

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш шаклларидан бири қонунлар ижроси устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан амалга оширилаётган парламент назоратидир.

2010 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида "Лизинг тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

**14-15 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА АҲИЛЛИК БАЙРАМИ

*Эзгулик йўлидаги ҳар қандай ташаббус эл эътиборига тушади, халқни хайрли мақсадлар сари чорлайди. Зотан, қўлни қўлга бериб, кўпнинг кучи билан амалга оширилган ишларнинг файзу баракаси бўлак, натижаси юксак бўлиши, шубҳасиз.*

Мана, ҳадемай Истиқлолимизнинг қутлуғ 19 йиллик тўйи мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади. Ана шу шукуҳли дамларда юртдошларимиз қалбида яратувчанлик иштиёқи жўш урмоқда. Шаҳару қишлоқларда энг улуғ, энг азиз байрамимизга ҳозирлик ишлари бошланиб кетган. Тўйга муносиб тўёналар билан пешвоз чиқиш ниятидаги ҳамюртларимиз бунёдкорлик, ободончилик борасидаги юмушлари билан мамлакатимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

юксак экологик маданиятни тарбиялашнинг муҳимлигига, экологик маданият бўлмаса, ёшларни баркамол қилиб вояга етказишни тасаввур этиб бўлмаслигига эътиборни қаратдилар.

Билдирилган барча фикрларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М. Усмонов «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда тақдим этди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида «Нотариат тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, мамлакатимизнинг бошқа норматив ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикрларини билдирдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, ушбу ҳужжат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза ва ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолига малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган нотариат институтини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда битимлар тузишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини сақлаб қолишга қаратилган таклифлар киритилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигига баҳо бериб, унинг қабул қилиниши жамиятимизда адолат ва қонунийлик принципларининг ҳамма жойда қарор топиши ва мустаҳкамланиши йўлида муҳим қадам эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Депутатлар Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Таклиф Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳудудларни оптималлаштириш, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, автомобиль йўллари, социал ва маданий-маиший объектлар, муҳандислик коммуникациялари комплекс қурилиши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни оптимал жойлаштириш мақсадида киритилган.

Мазкур масалани муҳокама қилиш чоғида депутатлар туманларни бирлаштириш кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалаларни ижобий ҳал қилиш, бошқарувга сарфланаётган бюджет маблағларини тежаш имконини беришини таъкидладилар. Маҳаллий аҳоли ушбу таклифни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар. Қарор маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**




***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазони либераллаштириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Зеро, ушбу ислоҳотлар моҳиятида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш ҳамда судлар мустақиллигини таъминлаш орқали уларнинг кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги ролини ошириш мақсади мужассамдир.***

# ИНСОНПАРВАРЛИК – ИСЛОҲОТЛАР МЕЗОНИ

Буни истиқлол йилларида қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, 1991 — 2000 йилларда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, сиёсий демократия ва эркин иқтисодиётга эришиш стратегияси ишлаб чиқилди. Натижада давлатчилигимиз тарихида биринчи марта Конституциявий суд ташкил этилди ҳамда суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида хўжалик судлари тузилди. Айни чоғда судларни давлат ҳокимиятининг мустақил таркибий қисми сифатида шакллантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

2001 — 2005 йилларда эса ислоҳотлар кўлами янада кенгайди. Аниқроғи, жиноят қонунини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд қарорлари ижросини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, 2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасида янги саҳифа очди. Қолаверса, суд жараёнига халқимиз менталитети, бағрикенглигига мос келадиган ярашув институти татбиқ этилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг кейинги босқичида амалга оширилган энг улкан тарихий воқеа — бу, шубҳасиз, ўлим жазосининг бекор қилиниши бўлди. Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, 2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ўлим жазоси чиқарилиб, ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Аммо бу жазо аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди. Шунинг ўзиёқ бу жазо турини қўллашда инсонпарварлик тамойили асосий мезон қилиб олинганлигини кўрсатиб турибди.

Соҳа ислоҳотлари шу билан кифояланиб қолмади. Аксинча, кейинги йилларда ислоҳотлар чуқурлаштирилиб, унинг самарасини оширишга қаратилган янги қонун ва норматив ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир. Масалан, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги либераллаштирилди, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминловчи мустақил суд ҳокимияти шаклланди. Бошқача айтганда, жиноий жазо ва суд ишларини юритиш либераллаштирилиб, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайди. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони жорий йилнинг биринчи ярмида 2000 йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоизга камайгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Айни чоғда умумий юрисдикция судлари ихтисослашуви йўлга қўйилиб, одил судлов сифати ошишига эришилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари ошиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Масалан, 2000 йилда республика бўйича 95 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2010 йилнинг биринчи ярмига келиб, бу кўрсаткич 127 мингдан кўпроқни ташкил қилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг одил судловга ишончи ортиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Апелляция тартиби жорий этилиши эса суд жараёни иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Ярашув институти жорий этилиб, уни қўллаш доираси янада кенгайтирилиши ҳисобига кейинги тўққиз йил ичида 103 мингга яқин кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилганлиги бунга мисол бўла олади. Қолаверса, жиноят оқибатида етказилган 104 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар ўрнини қоплаган 17 мингга яқин шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлангани ҳам суд-ҳуқуқ тизимида эришган ютуқларимизнинг амалий ифодаси бўлди.

Шунингдек, амнистия актини татбиқ этиш судлар томонидан амалга оширилишининг белгиланиши, адвокатура институти ислоҳ этилиши, гувоҳ ҳуқуқининг адвокат ёрдамида ҳимояланиши, амалдаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамлар бўлди.

Олий суднинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида истиқлол йилларида, хусусан, жорий йилнинг олти ойида соҳада эришилган ютуқларимиз, шу жумладан, умумий юрисдикция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш борасида 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Аёнки, умумюрисдикция судлари "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва Конституция талабидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари, уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоялашдек масъулиятли вазифани бажариб келмоқда. Бу борада уларга Олий суд томонидан қабул қилинган суд амалиётини тўғри йўналтиришга қаратилган пленум қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Олий суд судьялари, консультантлари ҳамда Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ходимларининг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Ўтган даврда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳларда фаол иштирок этиб, 48 та қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашди. Ҳозирда ушбу қонунларнинг айримлари суд-ҳуқуқ амалиётига татбиқ этилмоқда.

Яна бир муҳим маълумотга эътибор қаратишни истардик. Шу йилнинг олти ойи мобайнида Олий судга жами 11 минг 483 та шикоят ва ариза келиб тушган. Уларнинг 6 мингдан кўпроғи фуқаролик, 6 мингга яқини эса жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган суд қарорлари юзасидандир. Буни таҳлил этадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича келиб тушган шикоят ва аризалар 2009 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 146 тага, яъни 2,4 фоизга камайгани ҳолда, жиноят ишлари бўйича ариза ва шикоятлар 743 тага, яъни 14,2 фоизга ошгани кўзга ташланади. Шунинг ўзиёқ бизни янада ҳушёрликка, янада фаоллик кўрсатиб ишлашга ундайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқишига судьяларнинг зиммасига юклатилган масъулиятни етарли ҳис этмаётганлиги, шахсий манфаатини одил судлов манфаатидан устун қўяётганлиги ҳамда уларнинг фаолияти устидан вилоят суди раҳбарларининг назорат, маънавий ва маърифий ишларни олиб бормаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, жойларда тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Қисқаси, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадига қаратилган. Зеро, қонунлари устувор, фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама кафолатланган жамиятда кишилар бахтли ҳаёт кечирадилар.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.**

# ЛИЗИНГ – МИНТАҚАЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисда қайд этилганидек, лизинг хизматларини янада ривожлантириш иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда муҳим молиявий-ташкилий воситадир.

"Лизинг тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни саноат, қурилиш корхоналари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини тадрижий равишда янада кўпайтириб бориш учун зарур бўлган лизинг хизматларини ривожлантиришда асосий ҳуқуқий базадир. Мазкур Қонунга мувофиқ, лизинг инвестиция фаолияти сифатида баҳоланади ва у бир қатор солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва афзалликларига эга бўлиб, булар асосий ишлаб чиқариш воситаларини кам сарф-харажат билан янгилаш ёки сотиб олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда лизинг соҳасида мамлакатнинг лизинг компаниялари ҳам, тижорат банклари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Солиққа тортишда қулай шароит яратилганлиги, бошқа рағбатлантириш чоралари ва имтиёзлар мавжудлиги, лизинг операцияларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги натижасида мамлакатимизда сўнгги йилларда лизинг хизматлари ҳажмларининг анча ўсганлиги кузатилмоқда. Чунончи, 2009 йил якунлари бўйича мамлакатимизда лизинг портфели 1,1 триллион сўм даражасига етди, лизинг битимлари суммаси 400 миллиард сўмни ташкил қилди, бироқ лизинг портфелининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги, асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши пасайиб бориш тамойилига эга.

2008 йилдан то 2010 йилнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Самарқанд вилояти бўйича 1022 та лизинг лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, лизингга берилган ускуналарнинг умумий баҳоси 88 228,3 млн. сўмни ташкил этган (шунинг 23 307 млн. сўми ёки 26 фоизи тижорат банклари томонидан, 64 921,3 млн. сўми ёки 74 фоизи лизинг компаниялари томонидан молияланган). Сотиб олинган янги ускуна ва техника саноат (33,2 фоиз), қишлоқ хўжалиги (53,2 фоиз), қурилиш индустрияси (3,1 фоиз) субъектларига ва хизмат кўрсатиш секторига (10,5 фоиз) берилган. Амалга оширилган лизинг лойиҳалари ёрдамида вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 2000 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, масалани муҳокама қилиш асносида мажлис қатнашчилари мазкур Қонуннинг Самарқанд вилоятида ижро этилишидаги айрим камчилик ва хатоларга ҳам эътиборни қаратдилар.

Шу муносабат билан сенаторлар ва депутатлар ўз чиқишларида, айниқса, саноат тармоқларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини чуқур қайта ишлашда ва қурилишда лизинг операциялари ҳажмини янада оширишда Қонун нормалари ва талабларини ижро этиш самарадорлигини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тижорат банклари ва лизинг компаниялари билан биргаликда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини рўёбга чиқариш, айниқса, қишлоқ жойларда лизинг хизматларини оммалаштириш, хусусан, маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи минитехнологиялар сони ва турларини кўпайтириш юзасидан самарали ҳамда амалий чоралар кўриш таклиф қилинди. Бу эса иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, шунингдек, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик субъектларининг инвестициявий фаоллигини оширишнинг таъсирчан ва самарали омилидир. Муҳокамада катта малака ва тегишли меҳнат ҳақини талаб қиладиган иш ўринлари яратиш мақсадида энг янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш лойиҳаларини кўпайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Қўшма мажлис қатнашчилари иккиламчи лизинг муносабатларини, хусусий тадбиркор қўлидаги лизинг объектини ҳисобга олишни, лизинг берувчининг устав капиталини шакллантиришни, лизинг объектини реализация қилишни тартибга солиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, сарфланган маблағлар, лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчига қайтарган ҳолларда, даромадлар бўйича солиқ имтиёзлари қайтариб берилишини кафолатлаш бўйича мазкур Қонуннинг ва бошқа қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифларни бердилар.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

Қўшма мажлисда сенаторлар, Самарқанд вилояти халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари ҳамда лизинг, суғурта компаниялари, кичик бизнес ва фермерлик вакиллари, олимлар ва экспертлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА).**

## Хоразм:
# ГЎЗАЛ ДИЁРИМИЗ ГАВҲАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўтган йилнинг кузида шаҳардаги аксарият маҳаллаларнинг фаоллари, корхона ва ташкилотларнинг ходимлари шаҳарда гулларни ва дарахтларни янада кўпайтиришга аҳд қилишди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Урганч шаҳар бўлими раиси Қодир Раҳмонов. — Яъни шаҳар шароитига мос келадиган пектуния канн, лимон томчиси, атиргул сингари гуллар ҳамда бир қатор маҳаллий дарахтларнинг уруғ ҳамда қаламчалари кўпайтирилди.

Ўтган аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг юксак маънавий фазилатларидан биридир. Чунончи, хоразмликлар мустақиллик йилларида халқимизнинг фахру ғурури бўлган фидойи инсонлар шарафига 20 дан ортиқ гўзал боғлар бунёд этдилар. Бу боғлар қаторида Алишер Навоий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Комилжон Отаниёзов боғларини санаш мумкин. Хушманзара Шовот канали бўйларида барпо этилган Жалолиддин Мангуберди ҳамда "Авесто" боғ-мажмуалари ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу ёдгорлик мажмуалари халқимиз ақлу идрокининг, беқиёс тафаккурининг, инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган улуғ бобокалонларимиз меросига меҳру эҳтиромнинг ифодаси сифатида улуғвордир. Бугунги кунда мазкур боғ-мажмуалар вилоят аҳлининг севимли зиёратгоҳ масканларига айланди. Уларда турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Айниқса, бу масканларда ёшлар билан суҳбату мулоқотлар, учрашувлар қизғин кечади.

— Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва таклифлари асосида барпо этилган Урганчнинг марказий майдони худди хоразмликларнинг бағридек кенг, тоза, осуда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, шоира Гавҳар Ибодуллаева. — Ундан бир бора ўтган одамнинг дилида ғубор қолмайди. Айниқса, майдон узра бағрини кенг очиб турган, жаҳон илму фани ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган қомусий илм соҳиби, улуғ бобокалонимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий сиймоси дилларимизни янада нурафшон этади. Ана шундай буюк аждодимиз ҳайкали қошида худди мумтоз санъат асаридек бири-бирига ярашган вақт капгири — курант ҳаётимиз ҳар лаҳзасининг қадр-қиммати ана шундай умрбоқий, буюк ишлар билан ўлчанажагидан бонг уриб тургандек. Ундаги гулзорлар ичида бўй чўзиб келаётган ниҳоллар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизга қиёс бўлса, юксакларга отилиб турган фавворалар дилимиз поклиги, тилак ва ниятларимиз холислиги, жўшқинлиги, жаннатмонанд юртимизда ҳаёт бардавомлигидан нишонадир. Бу кўркам майдон мустақиллигимизнинг боқийлигига хизмат қилиб, миллат равнақи, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида барчамизни саодатли ишларга ундаши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Урганч шаҳридаги Мустақиллик майдони янгиланиб, барчага янги орзу-умидлар, меҳру иштиёқ бахш этди. Қолаверса, унинг яратилиши теварак-атрофдаги катта ҳудудларда янгиланишларга сабаб бўлди. Марказий майдонни айланиб ўтувчи ҳалқа йўл қурилди. Бу шаҳарда автомобиллар ҳаракатини тартибга солишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Истиқлол хоразмлик ёшлар ҳаётида энг қувонарли ўзгаришларни юзага келтирди. Зеро, улар турли соҳаларда тобора салмоқли муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бунга вилоятнинг биргина ёш спортчилари эришган ютуқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хоразм ёшлари "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларида учинчи ўринни эгаллаб, "Президентимиз совғаси"ни қўлга киритган бўлсалар, "Универсиада — 2010" спорт ўйинларида ҳам янада яхши натижаларни намойиш этишди. Хусусан, Урганч давлат университетининг талабаси Нурбек Искандаров иккинчи бор Универсиаданинг олтин медали соҳибига айланди. Ёш спортчилардан Жаҳонгир Зиннатов ва Шерзод Рўзметов ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Иордания давлатида ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида оғир атлетика бўйича биринчи ўринни, Ўғилжон Рўзметова Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида самбо бўйича фахрли ўринни, Нодир Ёқуббоев Пекин шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда шахмат бўйича биринчи ўринни, Гулноза Матниёзова қизлар ўртасида Венгрияда ўтказилган жаҳон биринчилигида дзюдо бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, хоразмликларнинг дилларида ифтихор уйғотди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Юртимиз ўзининг замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлганлиги учун ҳам ёшларимиз спортда ана шундай юксак чўққиларни эгалламоқдалар.

Ёшларнинг спортдаги ютуқлари илму ижод соҳасидаги муваффақиятлари билан уйғунлашиб кетган. Урганч Туризм ва тадбиркорлик коллежи талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Бону Азизованинг яқинда ташкил этилган суратлар кўргазмаси барча ёшларнинг эътиборини қозонди. Уларда тасвирланган эл-юрт манзаралари, бунёдкор ва ижодкор хоразмликларнинг қиёфалари, аслида, она-Ватанга меҳрнинг ифодасига айланди. Урганч давлат университети қошидаги иккинчи академик лицей ўқувчиси Наврўзбек Жабборовнинг илм-фан бобидаги иқтидори воҳадаги бошқа тенгдошларига намуна бўлмоқда. У халқаро Менделеев олимпиадасида ғолиблар қаторидан ўрин олди. Наврўзбекнинг билими хорижлик олимлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бугун бундай иқтидорли ёшлар Хоразмда истаганча топилади. Вилоятдаги замонавий ўқув даргоҳлари ёшларнинг баркамолликка эришиши йўлида қизғин фаолият олиб бораётганлиги бунга омил бўлмоқда.

Шу ўринда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари кўркига кўрк қўшаётган, янги бунёд этилган коллежлар ҳақида алоҳида тўхталсак. Урганч олимпия захиралари коллежи халқаро аэропортолди ҳудудларига туташ. Унинг ёш спортчилари мунтазам машғулотлар ўтказадиган иншоот ва иморатлар бу ҳудудда ўнга яқин. Ушбу коллеж юртимизга юзлаб иқтидорли спортчиларни етказиб бермоқда. Вилоятдаги бундай коллежларда ёшлар чуқур билим ва малака олмоқдалар. Бирор касбни ўрганиб, хорижий тилларни ҳам астойдил ўзлаштирмоқдалар. Ўтган йили шаҳарда шу тизимда яна бир замонавий таълим муассасаси — Нефть ва газ саноати коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. У тўрт юз нафарга яқин ўқувчини ўз бағрига олди.

Баркамол авлод йилида вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ишлари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Айниқса, янги таълим-тарбия муассасалари ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Бу йил вилоятда 6 та касб-ҳунар коллежи учун 750 ўринли, 2 та академик лицей учун 300 ўринли ётоқхона, битта мусиқа мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилади. Битта сузиш бассейни, 3 та мусиқа мактаби ва 6 та ҳарбий чақирув бўлими биноси тўлиқ таъмирланмоқда.

Вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, эл саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда катта. Хусусан, биринчи вилоят клиник шифохонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази, болалар шифохонаси, вилоят туғруқхонаси мукаммал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Хоразмда янги замонавий тиббиёт марказлари ташкил қилинаётгани ҳам қувонарлидир. Жумладан, Урганч марказида бунёд этилган Урология маркази кенг фаолият олиб бормоқда. Унда яратилган шарт-шароит, имкониятлардан беморлар мамнун. Клиник шифохона қошида кўз касалликлари, юрак жарроҳлиги марказлари ҳам фаолият олиб бораётир. Уларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақият билан амалга оширилаяпти. Ҳолбуки, яқин даврда воҳа аҳолиси бундай жарроҳлик йўли билан даволаниш учун, албатта, республикамиз пойтахтига ва бошқа айрим вилоятларга боришар эди. Энди эса бундай муаммо йўқ. Дарвоқе, Урганчда Мустақиллик байрамигача ногиронлар реабилитация маркази, урология марказининг жарроҳлик блоки қурилиши, Онкология диспансери биноси, Боғот ва Янгиариқ туманларида тиббиёт бирлашмалари биноларини мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етказилади. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлиги йўлидаги ғамхўрликларнинг ёрқин намунасидир.



Хоразмликлар азалдан бунёдкор, қурувчи, меъмор эл. Қадимий Хивани зиёрат қилган киши бунга дарров амин бўлади. Юртбошимизнинг 2010 йил 17 июндаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида воҳада қурилиш ишлари янада жадаллашиб кетди. Вилоятнинг 3 та ҳудудида ўтган йил қурилиши бошланган 60 та уй-жой эгалари аллақачон уй тўйларини нишонлашди. Ҳозирда вилоятнинг барча туманларида 530 та намунавий уй-жой қурилиши юқори суръатларда олиб борилмоқда. Бунинг учун вилоятда 47 та ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари ташкил этилди, қўшимча 7 та янги ғишт заводи ишга туширилди. Қувонарлиси, бу корхоналарда 2200 тага яқин янги иш ўринлари яратилиб, бу ердаги меҳнат туфайли кўпгина кишиларнинг хонадонларига даромад ва файз-барака кирди.



Кўриниб турибдики, қадимий ва навқирон Хоразм воҳаси истиқлол нуридан нурафшон бўлиб, тобора яшариб, гуллаб-яшнамоқда. Бу элда Юртбошимиз раҳнамолиги ва йўл-йўриқлари асосида улкан бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар, ўсиш-ўзгаришлар янада ривож топаверади.

Шу ўринда биз Юртбошимизнинг Хоразм аҳли тўғрисида айтган яна бир қимматли фикрларини катта мамнуният билан қаламга олгимиз келади: "Агар мендан, Хоразм аҳли, аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, "Ғурури баланд" деб жавоб берган бўлур эдим. Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ғурури баланд деганда, гердайишни эмас, ўз тупроғи билан фахрланишни тушунаман. Ғурури баланд деганда, мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алмашмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шон-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман".

Юртбошимизнинг воҳа аҳлига кўрсатаётган мана шундай чексиз эътибори туфайли рўй бераётган улкан янгиланишлар Хоразмни янада обод, янада муҳташам этиши, шубҳасиз. Хоразмликларнинг азму-шижоати, ҳалол меҳнати, фидойиликлари, интилишлари бизни шундай хулоса қилишга ундайди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Сотим АВАЗ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА АҲИЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги фармойишига биноан, жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади. Ушбу тадбирлар орқали халқимизга хос ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорлик ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва тозалаш, республикадаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш каби қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган.

Байрамларни обод ва саришта хонадонда нишонлаш — халқимизга хос эзгу қадрият, хайрли анъана. Шунга мувофиқ, ҳашар кунларида барча тураржой мавзеларида дарахтларни оқлаш ва буташ, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, чиқиндилардан тозалаш каби юмушлар амалга оширилади. Анъанага кўра, бундай тадбирларга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, кайвониларимиз бош бўлишади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштироки натижасида юртимиз янада обод бўлади.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотларга кўра, 14-15 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ ҳашарида аҳоли томонидан 25 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб бориш, 18 минг километр узунликдаги ариқ ва лотокларни тозалаш, 17 миллион туп дарахтларни оқлаш ва уларга шакл бериш кўзда тутилган.

Дарвоқе, умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободончилик ва бунёдкорлик, балки саховат тадбири сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Зотан, ҳашар кунлари ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг тураржойларини таъмирлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва фаоллари, ҳомийлар эҳтиёжманд фуқароларимиз ҳолидан хабар оладилар, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишида белгиланганидек, ҳашар муносабати билан юртимиздаги вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлар "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим ҳамда бўлинмалари ҳисоб рақамларига ўтказилади. Ушбу маблағлар "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, жумладан, кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжманд фуқароларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд болалар майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда уларни керакли спорт анжомлари билан жиҳозлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби тадбирларга сарфланиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳашар — умумхалқ тадбири. У орқали нафақат маҳалламиз, юртимиз, балки кўнгилларимиз ҳам покланади, хонадонимизга файзу барака киради. Шундай экан, эл-юрт равнақига дахлдор эзгу юмушлардан четда қолмайлик, азиз юртдошлар.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Навоий» халқаро аэропорти:
# ЮК ТЕРМИНАЛИ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).




"Навоий" халқаро аэропортида иш бошлаган янги юк терминали Корея Республикасининг "Kyung Sang Machineri Co.Ltd" компанияси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги терминал йилига 100 минг тонна юкни қабул қила олади. Шу билан бирга, терминал юк ортиш-тушириш учун 6 та станцияга, 20 ва 5 тонналик тарозилар, музлатиш ва иситиш камералари ҳамда жониворларни сақлаш жойларига эга.

Ҳозирда "Навоий" халқаро аэропорти модернизация қилингандан сўнг, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Навоий — Деҳли", "Навоий — Мумбай", "Навоий — Бангкок" ва "Навоий — Франкфурт" йўналишлари бўйича мунтазам юк ташиш қатновларини йўлга қўйди. Шу билан бирга, "Korean Air" авиакомпанияси юк самолётлари мазкур аэропорт орқали Инчеондан Миланга парвозларни амалга ошира бошлади.

Яқин истиқболда ўзаро ҳамкорликда Истанбул, Алмати, Дубай, Москва ва Тель-Авивга ҳам қатновларни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Шу куни логистика марказининг очилиши рамзи бўлган калит "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси вакилига топширилди.

Таъкидлаш лозимки, "Навоий" халқаро интермодал логистика марказининг иш бошлаши Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. "Навоий" халқаро аэропортидаги бу каби ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг жаҳон бозорига чиқишида янги имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

***Истанбул шаҳрида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди***

**Спорт**

Тадбирда Осиё, Европа, Африка, Панамерика ва Океания кураш конфедерациялари, Ўзбекистон, Россия, Туркия, Греция, Франция, Италия, Польша, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистон каби ўндан зиёд мамлакатлар вакиллари қатнашди.

КХА ахборот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда Осиё, Европа, Африка, Панамерика ва Океания кураш конфедерациялари раҳбарлари 2010 йилда курашни янада ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар тўғрисида ахборот берган. Мазкур спорт турини жаҳон миқёсида янада оммавийлаштириш, КХА мусобақалари тақвимига киритилган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, биринчиликлар, халқаро турнирларни юксак савияда ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинган, амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинган.

КХА президенти К. Юсупов Кураш халқаро ассоциацияси спорт оламидаги нуфузли ташкилот — SportAccord (GAISF) таркибига қўшилиш учун ариза топширилгани ва бу борада музокаралар жараёни давом этаётганини маълум қилган.

Мазкур уюшмага юздан зиёд спорт ташкилотлари аъзо. GAISF Халқаро Олимпия қўмитаси фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Ҳозир юздан зиёд мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Мазкур якка-кураш тури бўйича эркаклар, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида мунтазам равишда жаҳон ва қитъа чемпионатлари ўтказилмоқда.

КХАнинг SportAccordга аъзо бўлиши курашнинг Олимпия ўйинларига киритилиши сари яна бир залворли қадами бўлади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Тижорат корхоналари ва компаниялар диққатига!***

**БУХОРО ТИББИЁТ ДИАГНОСТИКА МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ**

**«Sitec-3000» русумли компьютер томограф аппаратига «VARIAN GS-1562/MX-115» русумли рентген трубка сотиб олиш ва уни ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
**Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 61-уй.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (8-365) 223-49-92, 223-68-17. Факс (8-365) 223-06-16.**

745R/896

*Абонентлар диққатига!*

# «Ўзбектелеком» АК

**2010 йил 16 августдан бошлаб, ўзаро тузилган шартномада белгиланган 125-1/7-нархномага телекоммуникация хизматлари тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини маълум қилади.**

***III. Бўлим. Шаҳар ва қишлоқ жойларидаги телефон алоқа хизматлари учун тарифлар.***

| Хизмат тури | Тўлов миқдори (сўмда) | | |
|---|---|---|---|
| | Бюджет ҳисобидан молиялаштирилмаган ташкилотлар | Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар | Аҳоли |
| Тегишли маълумотлар олиш учун оператор хизматидан фойдаланиш (битта мурожаат учун хизмат ҳақи) | 100 | 100 | 100 |
| Автомат телефон станциясининг дастурлаш бошқарувидан кўрсатиладиган хизматлар (тарифлар ичига телефон ўрнатиш, фойдаланиш, хизматларни бекор қилиш) киради. | Ойига сўм ҳисобидан тўлов миқдори | | |
| | Бюджет ҳисобидан молиялаштирилмаган ташкилотлар | Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар | Аҳоли |
| Қисқа териладиган рақамлар | 880 | 660 | 165 |
| Рақам термасдан боғланувчи телефонлар | 1430 | 1210 | 165 |
| Кириш алоқаларини вақтинча тақиқлаш | 990 | 825 | 165 |
| Кириш қўнғироқларини қайта манзиллаштириш | 1260 | 980 | 210 |
| Кириш, чиқиш қўнғироқларини вақтинча тақиқлаш | 880 | 660 | 165 |
| Янги кириш қўнғироғи ҳақида билдириш | 1820 | 1120 | 420 |
| Абонентни буюртма бўйича чақириш (эслатиш, уйғотиш) | 880 | 660 | 165 |
| Кириш қўнғироқларини автохабар берувчи ёки топшириқ бюроси орқали узатиш | 1430 | 1210 | 165 |
| Рақамни термасдан такрорий чақириш | 1430 | 1210 | 165 |
| Буюртма бўйича кириш қўнғироғини аниқлаш | 1430 | 1210 | 550 |
| Анжуман-алоқа | 1820 | 1000 | 210 |
| Кириш қўнғироқларини котибага ёки банд бўлмаган бошқа аппаратга узатиш | 1430 | 1210 | 220 |
| Сўзлашув пайтида маълумот олиш | 1540 | 1210 | 220 |
| Пароль бўйича халқаро алоқа | 550 | 330 | 275 |
| Авточақирув (битта АТС ичида) | 1430 | 1210 | 165 |
| Кириш қўнғироқларини қанча рақамлигидан қатъи назар, АТС ичида қидириш, манзиллаштириш | 990 | 770 | 165 |
| АОН функцияли аппаратлар учун рақамлар тақдим этиш | 700 | 560 | 490 |
| Фарқлайдиган қўнғироқ | 220 | 165 | 110 |
| Чақирув учун махсус қўнғироқ | 2200 | 1100 | 550 |
| Бир вақтнинг ўзидаги қўнғироқ | 880 | 715 | 165 |
| Чиқиш алоқаларини муайян рўйхат бўйича ман этиш | 880 | 660 | 165 |
| Кириш алоқаларини муайян рўйхат бўйича ман этиш | 880 | 660 | 165 |
| Кириш қўнғироқларини навбат (пульт-секретарь) орқали ўрнатиш | 880 | 660 | 165 |
| Белгиланган рақамларни аввалдан чақириш | 880 | 660 | 165 |
| Аноним қўнғироқлар бўлишини тўсиш | 880 | 660 | 165 |
| Чақираётган қўнғироқ рақами тўғрисида маълумот тақдим этиш | 35 | 35 | 35 |
| Call-марказининг интеллектуал хизматлари | | | |
| Виртуал офис | | | |
| Интеллектуал рақамлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тақдим этиш (бир марталик) | 39990 | 32635 | 20700 |
| Овозли файлни ёзиб олиш (бир марталик) | 26607 | 26607 | 26607 |
| Овозли менюнинг 1 пунктига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | 5395 | 5395 | 5395 |
| Интеллектуал рақамлардан фойдаланиш учун ойлик абонент тўлови | 22160 | 22160 | 22160 |
| «Платин»ли рақам ажратиш (200-АА-АА, 200-АА-ВВ) | 250000 | 250000 | 250000 |
| «Тилла» рақам ажратиш (220-АВ-ВА, 200-АВ-АВ) | 150000 | 150000 | 150000 |
| «Кумуш» рақам ажратиш (220-АВ-CD, 200-А0-В0, 200-А0-00, 200-00-0А) | 100000 | 100000 | 100000 |

**Мурожаат учун телефон: (8-371) 230-73-99.**

740-1R/939/948

**125-1/7-сонли**
**ПРЕЙСКУРАНТга ўзгартириш ва қўшимчалар**
**II қисм**

# «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали

**орқали тақдим этилган Интернет хизматлари ва маълумот узатиш учун тарифлар 2010 йил 5 августдан амалга киритилади.**

**FTTB технологияси бўйича «Биногача оптика» хизмати**

| Рўйхатга олиш ва уланиш учун тўлов | 37 700 сўм |
|---|---|

- ***10 метр узунликдаги** UTP русумли кабелнинг қиймати ҳисобга олинган бўлиб, агар мазкур узунликдан ошган тақдирда, техник шартлар бўйича буюртмачи қўшимча тўловни амалга ошириши талаб этилади.*
- ***ТШТТ тармоғи орқали Интернетга уланган абонентлар учун уланиш бепул амалга оширилади.***

**Жисмоний шахслар учун FTTB технологияси бўйича «Уйгача оптика» хизмати тарифлари**

| Рўйхатга олиш ва уланиш учун тўлов | | | 206 000* | |
|---|---|---|---|---|
| Бир ойлик абонент тўлови (сўмда) | | | | |
| **Тариф режаси** | **Хизмат номи** | **Таърифлаш** | **Triple play (учтаси биттада)**** | **Double play (иккитаси биттада)** |
| **VIP** | Интернет | 512 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 255 000 | 280 000 |
| | IPTV | 16 канал | 7 000 | 10 000 |
| | Видеотелефон | Маҳаллий шароитда чекланмаган | 28 000 | — |
| | | **Жами** | **290 000** | **290 000** |
| **Middle** | Интернет | 256 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 167 500 | 180 000 |
| | IPTV | 16 канал | 8 000 | 10 000 |
| | Видеотелефон | (кафолатланмаган тезлик) | 28 000 | — |
| | | **Жами** | **203 500** | **190 000** |
| **Light** | Интернет | 128 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 114 000 | 120 000 |
| | IPTV | 16 канал | 9 000 | 10 000 |
| | Видеотелефон | Маҳаллий шароитда чекланмаган | 28 000 | — |
| | | **Жами** | **151 000** | **130 000** |

**Юридик шахслар учун FTTB технологияси бўйича «Уйгача оптика» хизмати тарифлари**

| Рўйхатга олиш ва уланиш учун тўлов | | | 206 000 сўм | |
|---|---|---|---|---|
| Бир ойлик абонент тўлови (сўмда) | | | | |
| **Тариф режаси** | **Хизмат тури** | **Таърифлаш** | **Triple play (учтаси биттада)**** | **Double play (иккитаси биттада)** |
| **VIP** | Интернет | 512 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 720 000 | 800 000 |
| | | 512 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 1 510 000 | 1 510 00 |
| | IPTV | 16 канал | 15 000 | 15 000 |
| | Видеотелефон | Маҳаллий шароитда чекланмаган | 35 000 | — |
| | | **Жами (кафолатланмаган тезлик)** | **770 000** | **815 000** |
| | | **Жами (кафолатланган тезлик)** | **1 560 000** | **1 525 000** |
| **Middle** | Интернет | 256 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 418 500 | 450 000 |
| | | 256 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 780 000 | 780 000 |
| | IPTV | 16 канал | 15 000 | 15 000 |
| | Видеотелефон | Маҳаллий шароитда чекланмаган | 35 000 | — |
| | | **Жами (кафолатланмаган тезлик)** | **468 500** | **465 000** |
| | | **Жами (кафолатланган тезлик)** | **830 000** | **795 000** |
| **Light** | Интернет | 128 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 237 500 | 250 000 |
| | | 128 Кб/сек, unlimited (кафолатланмаган тезлик) | 410 000 | 410 000 |
| | IPTV | 16 канал | 15 000 | 15 000 |
| | Видеотелефон | Маҳаллий шароитда чекланмаган | 35 000 | — |
| | | **Жами (кафолатланмаган тезлик)** | **287 500** | **265 000** |
| | | **Жами (кафолатланган тезлик)** | **460 000** | **425 000** |

* ***Мазкур тарифлар оптик толали алоқа линиялари харажатларини ўз ичига олмайди.***

| ** **VPN — қўшимча хизматлар** | Ижара учун бир ойлик абонент тўловлари 1 (бир) порт учун (сўм) |
|---|---|
| Тезлиги 1 Мб/с дан 10 Мб/с гача (ҳар бир 1 Мбит/с) учун | **35 000** |
| Тезлиги 10 Мб/с дан 100 Мб/с гача (ҳар бир 10 Мбит/с) учун | **350 000** |
| Тезлиги 100 Мб/с дан 1 Гб/с гача (ҳар бир 20 Мбит/с) учун | **600 000** |

**Илова:**
- 100 фоиз тўлов олдиндан амалга оширилади;
- мазкур тарифга абонентга ўрнатилган ускуналар кирмайди;
- прейскурантда келтириб ўтилган хизматлар ҳудуддаги АТС техник имкониятларидан келиб чиқилади;
- абонент ускунасини улаш муддати тузилган шартномада белгиланади.

740-2R/939/948

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО»**
***газеталари таҳририятлари***

***корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим И. М. Мирзиётовга отаси **Миргиёс МИРЗИЁТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ





**— Олий ўқув юртининг бакалавр йўналишини тамомлаган талаба номзодлик иши қилиши мумкинми?**

**Ж. МАТКАРИМОВ.**
Боғот тумани

## Илмий даража бериш тартиби

— Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг Адлия вазирлигида 2010 йили давлат рўйхатидан ўтказилган "Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг биринчи бандида, ушбу Низом фан доктори ва номзоди даражаларини бериш тартибини белгилаши кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илмий даражалар фаннинг муайян соҳасида чуқур касбий билимга ва ютуқларга магистр даражасига ёки академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган шахсларга берилади.

**У. ТАШКЕНБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари.**

## Қонун барчага баробар

*— Пойтахтимизнинг Навоий кўчасида жойлашган савдо дўконларининг қайси бирига кирмайлик, "терминал йўқ" ёки "ишламаяпти" қабилидаги жавобни эшитамиз. Ушбу масала юзасидан Давлат солиқ қўмитаси "Ишонч телефони" (244-98-98)га ҳам мурожаат қилдик. Ҳозирча муаммо бартараф этилгани йўқ. Савдо ходимларининг "уста"лигини қарангки, улар терминаллар фаолияти бўйича солиқчилар ўтказадиган текширувлар чоғида "терминалимиз бор", дея уни кўрсатишаркан. Рейд якунлангач эса, яна ўз билганларича иш тутишади. Натижада истеъмолчининг эътирози асоссиз бўлиб қолаверади. Бу масалага аниқлик киритиб, муаммони бартараф этишнинг иложи борми? Ахир қонун барчага баробар-ку!*

**М. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**
Учтепа тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари тўловни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминаллари билан мажбурий жиҳозланиши белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, юқорида кўрсатилган қарорга ўзгартишлар киритилиб, 2011 йил 1 январдан бошлаб эгаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, турғун савдо шохобчалари, шу жумладан, дорихоналар ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шартлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат асосида хўжалик юритувчи субъектларга тўлов терминалларининг мажбурий ўрнатилиши юзасидан барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Терминаллар орқали тўловларни қабул қилишдан асоссиз бош тортиш ҳолатлари бўйича жойлардаги давлат солиқ хизмати органларига, пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиб олишда нархларни ошириш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияларига мурожаат қилиш лозим.

**Т. ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори.**

*— Иш юзасидан тез-тез Тошкентга бориб тураман. Яхши биласиз, водий вилоятларига, асосан, хусусий такси ҳайдовчилари қатнайди. Биз, истаймизми-йўқми, улар хизматидан фойдаланишга мажбурмиз. Лекин аксарият транспорт воситалари йўловчи ташиш талабига жавоб бермайди. Баъзан машина бузилиб, Қамчиқ довонида бир неча соатлаб қолиб кетган пайтларимиз ҳам бўлган. Бундан ташқари, ҳайдовчилар йўл ҳақини ўзлари истаганча белгилашади. Масалан, байрамлар арафасида нархлар шу қадар кўтариладики, бу йўловчилар учун моддий жиҳатдан анча қийинчилик туғдиради. Айтинг-чи, ушбу масала қачон тартибга солинади?*

**М. МАҲКАМОВ.**
Наманган шаҳри

## Белгиланган тартибга риоя этилади

— Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят ҳудудий бўлимлари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда мониторинг олиб бормоқда. Ушбу жараёнда ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчиларга нисбатан чора кўрилмоқда.

Қамчиқ довони орқали енгил автомобилларда йўловчиларни ташишда йўл кира ҳақлари масаласига тўхталадиган бўлсак, амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра, у ташувчи томонидан мустақил равишда белгиланади.

**Ш. ШОВАҲОБОВ,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.**

## ДАРАХТНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН КЕСМАНГ

*— Уйимнинг яқинидаги майдонга терак эккандим. Улар ҳозир забардаст дарахтларга айланган. Қурилиш қилиш ниятида улардан ёғоч сифатида фойдаланмоқчиман. Бироқ теракларни кесишим учун Табиатни муҳофаза қилиш идорасидан рухсат олишим керак экан. Шу ростми?*

**Ҳ. ТУРДИЕВ.**
Паркент тумани

— Фуқаролар томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардан ташқари ҳудудларда ободонлаштириш учун экилган барча турдаги дарахт ва буталарни кесиш Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси, 2-хатбошиси талабларига кўра, тўлов эвазига ва рухсатнома асосида амалга оширилади.

Фуқаролар томонидан тез ўсувчан турдаги дарахт ва буталардан қурилиш хом ашёси олиш учун жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори ёки тегишли розилиги асосида барпо этилган дарахтзорлардан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари розилиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хабардорлиги асосида бепул фойдаланиш мумкин.

**К. СОДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**

***— 2009 йил кузида Гулистон шаҳрига етмасдан Самарқанд йўналишига яқин йўл очилганда йўловчилар жуда хурсанд бўлишганди. Бир йил бўлмасдан бу йўл ўйдим-чуқур бўлиб кетди. Бунинг учун кимдир жавоб берадими, йўқми?***

**С. БАҲРИДДИНОВ.**
Жиззах шаҳри

## Камчиликлар бартараф этилган

— 2009 йилнинг декабрь ойи охирида Сирдарё вилоятида Гулистон — Оҳангарон янги йўналиш автомобиль йўлининг биринчи этапи, яъни 24 километрлик қисми қуриб битказилди, лекин фойдаланишга топширилмаганди. Буюртмачи (Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси) ҳамда ИИВ ЙҲХН бошқармаси билан келишилган ҳолда, ушбу йўналиш бўйича аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида, кейинчалик фойдаланишга топшириш шарти билан транспорт қатнови йўлга қўйилган эди. Қиш ва баҳор мавсумида ёғингарчилик кўп бўлганлиги, ер ости сувларининг кескин кўтарилиши, Сирдарё вилоятининг Бахт ва Сирдарё шаҳарчалари оралиғидаги автомобиль йўллари бўйидаги зовур (коллектор)ларнинг тошиб кетиши ҳамда уларнинг ўтказувчанлик қобилияти камайганлиги, улар керакли нуқта-(отметка)сигача тозаланмаганлиги йўл пойининг айрим жойларига салбий таъсир кўрсатди ва бу ҳол бузилишларга олиб келди.

Газетхонга, ҳозирда йўлдаги бузилишлар тўлиқ таъмирланиб, камчиликлар бартараф этилганлигини, албатта, бу камчиликлар учун шу йўлни қурган бош пудратчи, қурувчи ташкилот ва тегишли ирригация хизматлари раҳбарлари жавоб беришини маълум қиламиз.

**Ш. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Ўзавтойўл» автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари — бош муҳандис.**



**— Техник кўрикдан ўтказиш учун тўланадиган суммага автомобиль ишлаб чиқарилган йилининг аҳамияти борми?**

**Б. САЙДАЛИЕВ.**
Андижон тумани

## Имтиёз кўзда тутилмаган

— Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш учун республикамизда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, мототранспорт воситалари учун эса 5 фоизи миқдорида давлат божи тўланади. Давлат божи ундиришда автомототранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилган йилига қараб имтиёз белгиланмаган.



**А. СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник.**

***— Яқинда бир танишим олий ўқув юртига тўлов-контракт пулини тўлашга қарз сўраб қолди. Нақд пулим йўқ эди. Пластик карточкам орқали беришим мумкинлигини айтдим. Университетда жойлашган банк вакиллари эса фамилиямиз ўхшаш эмаслиги ёки бир-биримизга қариндошчилигимиз йўқлиги учун пластик карточка орқали тўловни қабул қилишмади. Шу тўғрими?***

**Р. ТОШМУҲАМЕДОВ.**
Ўзбекистон тумани

## Пластик карточкангиздан тўлашга ҳақлисиз

— Адлия вазирлигида 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан давлат рўйхатига олинган "Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, шахсий пластик карточка эгаси ўз карта ҳисобрақамидаги маблағлар доирасида товар ва хизматлар учун ҳақ тўлаши мумкин. Шундай экан, сиз танишингиз учун ўз пластик карточкангиздан терминал орқали контракт суммасини тўлашга ҳақлидирсиз.

**У. МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари.**



***— Олинган кредит фоизини ҳар ойда эмас, тегишли ҳисоб-китоб асосида йилда бир марта тўлаб борса ҳам бўладими?***

**Г. АСҚАРОВ.**
Нукус шаҳри

## Ҳар ойда бир марта ундирилади

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида"ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, ажратилган кредитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва ҳар ойда бир марта ундирилиши белгиланган.

Ўз навбатида, молиялаштирилаётган лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда, мижоз билан тузиладиган кредит шартномада фоизларни тўлаш муддатлари бўйича имтиёзли даврлар белгиланиши мумкин.

**А. РАҲМОНОВ,**
**«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ бошқарув раиси ўринбосари.**

**— Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтагани учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсиянома неча йилгача амал қилади?**

**К. БОЙМИРЗАЕВ.**
Китоб тумани

## Тавсияноманинг амал қилиш муддати

— Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсиянома 3 йил муддат давомида амал қилади.

**Б. БАРАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи, подполковник.**

*— Кўриш қобилиятининг пастлиги ирсий бўлиши мумкинми? Уни бартараф этишнинг имкони борми?*

**А. САФАЕВ.**
Ғиждувон тумани

## Эътиборли бўлинг

— Кўриш қобилиятининг пастлиги, албатта, ирсий сабабларга ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, рефракция аномалиялари бўлган миопия, гиперметропия, глаукома, тўр парда ва синдромал касалликлар болага ота-онадан ирсий йўл билан ўтиши мумкин. Бу ҳолатларни бартараф этиш учун бўлажак ёш оила эгаларининг ўз вақтида тегишли мутахассислар тиббий кўригидан ўтишларини, генетик хоналарга мурожаат қилишларини тавсия этамиз. Шунингдек, қариндош-уруғлар орасида никоҳ бўлишининг олди олиниши ҳам бунда муҳим аҳамиятга эгадир.

**З. СИДИКОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази директори.**

*— Бугун мобиль алоқа ва коммунал хизмат ҳақларини "PAYNET" тўлов тизими орқали амалга оширишга ўрганиб қолганмиз. Аммо ушбу тизим билан боғлиқ узилишлар қатор ноқулайликларни келтириб чиқариши ҳам бор гап. Масалан, ўтган ойда шундай ҳолат кузатилди. Яъни қандайдир сабаб туфайли бир неча муддат "PAYNET" шохобчалари ишламади. Бундан айрим "тадбиркор"лар унумли фойдаланишга уриндилар. Гап шундаки, ўша кунлари 3000 сўмлик тўлов карточкалари нархи 6000, 5000 сўмлик тўлов карточкалари эса 10000 сўмгача кўтарилиб кетди. Мобиль алоқа компаниялари офисларида ҳам мижозлардан тўловларни қабул қилиш учун етарли шароит яратилмади. Айтинг-чи, бу ҳолатлар истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол этилиши эмасми? Бундай вазият яна такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўрилмоқда?*

**С. ТУРСУНХЎЖАЕВ.**
Гулистон шаҳри

## «PAYNET» НЕГА ИШЛАМАДИ?

— "PAYNET" компаниясидан олинган маълумотларга кўра, янги замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилганлиги туфайли 2010 йил июль ойининг бошларида компания ишламаган.

Мобиль алоқа компанияларининг тўлов карточкалари ўз нархидан қиммат нархларда сотилиш ҳолатлари кузатилган тақдирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ишонч телефони (8-371-241-81-88) орқали ёки Федерациянинг жойлардаги ҳудудий бирлашма ва туман (шаҳар) жамиятларига, шунингдек, назорат қилувчи органларга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

**А. ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси ўринбосари.**



Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.30 1 2 4 5